



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 19 » noyabr

№ 702

Toshkent sh.

Тошкент вилоятидан Тошкент шаҳрига ўтказилган аҳоли пунктларини 2021–2024 йилларда комплекс ривожлантириш ҳамда коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида

Тошкент вилоятининг Зангиота, Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ ва Қибрай туманларидан Тошкент шаҳрининг Сергели, Бектемир, Мирзо Улуғбек ва Яшнобод туманларига ўтказилган аҳоли пунктларидаги мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш орқали саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, аҳолига маиший, савдо, транспорт, тиббий ва бошқа турдаги замонавий хизматларни кўрсатиш ҳамда аҳоли турмуш даражасини янада ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг “Тошкент вилоятининг Зангиота, Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ ва Қибрай туманлари ҳамда Тошкент шаҳрининг Сергели, Бектемир, Мирзо Улуғбек ва Яшнобод туманларининг, шунингдек, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри чегараларини ўзгартириш тўғрисида” 2021 йил 27 августдаги СҚ-379-IV-сон қарори билан Тошкент вилоятининг бир қатор аҳоли пунктлари Тошкент шаҳрига ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи **2021–2024 йилларда Тошкент вилоятидан Тошкент шаҳрига ўтказилган аҳоли пунктларини комплекс ривожлантириш ҳамда коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини янада яхшилаш чора-тадбирлари дастури** (кейинги ўринларда – Дастур) тасдиқлансин:

Тошкент вилоятидан Тошкент шаҳрига ўтказилган аҳоли пунктларини 2021–2024 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг мақсадли параметрлари ва молиялаштириш манбалари **1-иловага** мувофиқ;

Тошкент вилоятидан Тошкент шаҳрига ўтказилган аҳоли пунктларида 2021–2024 йилларда саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаларини ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларининг манзилли рўйхати **2-иловага** мувофиқ;

Тошкент вилоятидан Тошкент шаҳрига ўтказилган аҳоли пунктларининг 2021–2024 йилларда йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини яхшилаш бўйича комплекс тадбирларнинг манзилли рўйхати **3-иловага** мувофиқ;

Тошкент вилоятидан Тошкент шаҳрига ўтказилган аҳоли пунктларида 2021–2024 йилларда ижтимоий соҳа объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ҳамда уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларнинг манзилли рўйхати **4-иловага** мувофиқ;

Тошкент вилоятидан Тошкент шаҳрига ўтказилган аҳоли пунктлари ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар режаси **5-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Тошкент вилояти ҳокимлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Тошкент вилоятининг Зангиота, Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ ва Қибрай туманлари ҳамда Тошкент шаҳрининг Сергели, Бектемир, Мирзо Улуғбек ва Яшнобод туманлари, шунингдек, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри чегараларини ўзгартириш билан боғлиқ барча зарур ташкилий-техник тадбирлар амалга оширилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Тошкент вилояти ҳокимлиги Бектемир тумани, Янгиҳаёт МФЙда жойлашган 57-сон умумтаълим мактаби биносида фаолият юритаётган Тошкент вилояти Халқ таълими бошқармасини Тошкент вилоятидаги бошқа бинога кўчириш чораларини кўрсинлар.

5. Тошкент шаҳар ҳокимлиги мутасадди вазирликлар ва идоралар, хўжалик бирлашмалари, лойиҳалар ташаббускорлари билан биргаликда бир ой муддатда Дастурга киритилган ва 2022 йилда амалга ошириладиган лойиҳаларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва давлат экспертизасидан ўтказиш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш, замонавий технологиялар (асбоб-ускуналар) билан тўлиқ таъминлаш ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш муддатларини ҳисобга олган ҳолда тармоқ жадвалларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда:

давлат бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан Дастурда назарда тутилган чора-тадбирларнинг белгиланган муддатларда амалга оширилишини таҳлил қилиб борсин ва мувофиқлаштирасин;

барча параметрлар бўйича мониторинг олиб борилишини ташкил этсин ва ҳар ойда тизимли равишда муаммоли масалаларни кўриб чиқиб, ҳал этиш юзасидан тезкор амалий чоралар кўрсин;

зарурат бўлганда, лойиҳа ҳужжатлари мавжуд бўлган тақдирда, белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамаси билан лойиҳа қиймати ва иш ўринлари сонини сақлаб қолиш шарти билан Дастурга келишган ҳолда, тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб борсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги “Кўчмас мулк объектлари манзиллари ягона реестри”да Тошкент шаҳрининг тегишли туманларига ўтказилган аҳоли пунктларида жойлашган турар ва нотурар жойлар манзилларига тегишли тартибда ўзгартириш киритиш чораларини кўрсин.

Бунда Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат кадастри соҳасида давлат хизматлари нархларини белгилашда табақалаштирилган ёндашув тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2014 йил 10 июлдаги 186-сон қарори билан белгиланган кўчмас мулк объектларига манзиллар бериш, уларни ўзгартириш ва мавжудлигини бекор қилиш бўйича давлат хизматини кўрсатиш харажатлари Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланиши белгилаб қўйилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Тошкент вилояти ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда:

Тошкент шаҳрининг Сергели, Бектемир, Мирзо Улуғбек ва Яшнобод туманлари ҳудудига ўтказилаётган қишлоқ хўжалиги ерлари, аҳоли пункти ерлари ва бўш ер майдонлари тўлиқ хатловдан ўтказилишини;

хатлов натижасида ер участкаларини ноқонуний эгаллаб олиш, қишлоқ хўжалиги ерларига зарар етказиш, ноқонуний бино-иншоотлар ва қурилмалар қуриш ҳолатлари аниқланганда ҳамда туманлар ҳокимликларининг ер участкаларини ноқонуний ажратиш, бириктиришга оид қарорлари юзасидан таҳлилий маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 8 июндаги ПФ–6243-сон Фармониға мувофиқ ташкил этилган Республика кенгашиға киритилишини таъминласин.

9. Тошкент шаҳар ҳокимлиги:

а) Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги билан биргаликда:

янги қуриладиган давлат мактабгача таълим ташкилотлари, мактаб, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт объектларининг бинолари учун аҳолиға қулай бўлган жойдан бўш ер майдонлари ёки биноларини аниқласин ва белгиланган тартибда ажратиш чораларини кўрсин;

2022 йил якуниға қадар Тошкент шаҳар бош режаси ишлаб чиқилишини ва тасдиқлашға киритилишини, шунингдек, Тошкент вилоятидан Тошкент шаҳриға ўтказилган ҳудудлар учун батафсил режалаштириш лойиҳалари ишлаб чиқилишини таъминласин;

б) манфаатдор вазирликлар, идоралар ва лойиҳа институтлари билан биргаликда аниқланган талаблар ҳамда бош режа асосида ичимлик сув, табиий газ, электр энергияси ва автомобиль йўлларини қуриш ва таъмирлаш

лойиҳаларини 2021–2024 йилларда амалга ошириш кетма-кетлигини белгилаб олиб, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқсин;

в) Тошкент вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда ўзгартирилаётган чегаралар доирасидаги ҳудудда жойлашган ижтимоий инфратузилма объектларини тегишли туман тузилмаларига топшириш-қабул қилинишини таъминласин;

г) Дастурдаги тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши бўйича лойиҳа ташаббускорлари фаолиятининг натижадорлигини шаҳар фаоллари йиғилишларида муҳокама қилиб борсин ҳамда амалга оширилган ишлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ҳар чорак якуни бўйича ахборот киритиб борилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси Тошкент вилоятидан Тошкент шаҳрига ўтказилган ҳудудлар бўйича маълумотлар Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги томонидан тақдим қилинганда, маълумотлар базаларига (тизимларига) тадбиркорлик субъектларини жалб қилмаган ҳолда ўзгартириш киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги Тошкент вилоятидан Тошкент шаҳрига ўтказилган маъмурий ҳудудларда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг жойлашган жойини (почта манзилини) улардан ариза ёки маълумот талаб этмаган ҳолда, икки ой муддатда тўғридан-тўғри электрон тизим орқали бепул ўзгартирсин.

11. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги Дастурда назарда тутилган, марказлаштирилган маблағлар ҳисобидан молиялаштириладиган ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳалари кўрсаткичларини ҳар йили аниқлаштириб ва янгилаган ҳолда, 2022–2023 йиллар учун Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурини шакллантиришда инобатга олсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Тошкент вилоятидан Тошкент шаҳрига ўтказилган бюджет ташкилотларини молиялаштириш мақсадида уч ой муддатда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг маҳаллий бюджет параметрларига тегишли ўзгартиришлар киритиш чораларини кўрсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ, “Ҳудудгазтаъминот” АЖ Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда:

аҳолини электр энергияси, табиий ва суюлтирилган газ, ичимлик сув ва канализация тизими билан таъминлаш бўйича муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш;

Дастур доирасида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари асосида ишлаб чиқариш корхоналарининг муҳандислик-коммуникация тармоқларига белгиланган тартиб ва муддатларда уланишини ҳамда уларга мавжуд ресурс ва техник имкониятлардан келиб чиқиб, талаб этиладиган табиий газ ва электр энергиясини етказиб бериш чораларини кўрсин.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов ва Тошкент шаҳар ҳокими Ж.А. Артикходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов



О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT SHAHAR HOKIMINING QARORI

2022 йил «25» февраль

175-14-0-Q/22

Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Тошкент вилоятидан Тошкент шаҳрига ўтказилган аҳоли пунктларида 2022-2024 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 апрелдаги “2017 - 2021 йилларда кўп хонадонли Уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2922-сонли ва 2018 йил 30 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4040-сонли қарорларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 ноябрдаги “Тошкент вилоятидан Тошкент шаҳрига ўтказилган аҳоли пунктларини 2021-2024 йилларда комплекс ривожлантириш ҳамда коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 702-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳамда Тошкент шаҳарида эскирган ичимлик сув тармоқларини мукаммал таъмирлаш ва янги оқава сув тармоқларини қуриш мақсадида,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 ноябрдаги “Тошкент вилоятидан Тошкент шаҳрига ўтказилган аҳоли пунктларини 2021-2024 йилларда комплекс ривожлантириш

ҳамда коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини янада яхшилаш чоратadbирлари тўғрисида”ги 702-сонли қарори билан Тошкент вилоятидан Тошкент шаҳрига ўтказилган аҳоли пунктларида 2021-2024 йилларда Ичимлик суви ва канализация тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш лойиҳаларининг манзилли рўйхати тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Тошкент вилоятидан Тошкент шаҳрига ўтказилган аҳоли пунктларида 2022-2024 йилларда Ичимлик суви ва канализация тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш лойиҳаларининг Тошкент шаҳар манзилли рўйхати (кейинги ўринларда - Манзилли рўйхат) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Манзилли рўйхатдаги объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш, бўйича буюртмачи этиб “Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Тошкент шаҳар ҳудудий филиали белгилансин.

4. “Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Тошкент шаҳар ҳудудий филиали (У.Уктамов):

бош лойиҳачи ва бош пудратчи ташкилотларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказиладиган танлов (тендер) савдолари якунлари бўйича аниқлансин;

объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги “Архитектура ва қурилиш соҳасида давлат хизматлари кўрсатишнинг айрим маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 370-сонли қарорига асосан Давлат хизматлари кўрсатиш маркази томонидан “Ягона дарча” тамойили бўйича рухсатномалар олиниши таъминлансин.

5. Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари (Х.Шакиров, Ш.Рахимджанов) Манзилли рўйхатдаги объектларни

молиялаштирилиши манбаи этиб:

маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан;

Тошкент шаҳар Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгиланганлиги инобатга олинсин.

Бунда, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши юзасидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига таклиф киритилсин.

6. Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари (Ш.Рахимджанов), “Тошкент шаҳар сув таъминоти” масъулияти чекланган жамияти (М.Аббасханов) ва “Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Тошкент шаҳар ҳудудий филиали (У.Уктамов):

манзилли дастурда белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши;

қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш ишларини амалга оширишда техник хавфсизлик ва қурилиш норма ва қоидаларига тўлиқ риоя этилиши таъминлансин.

7. Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари – Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси (Ш.Рахимджанов) “Тошкент шаҳар сув таъминоти” масъулияти чекланган жамиятининг асослантирилган таклифига мувофиқ, Тошкент шаҳридаги ичимлик суви ва оқава сув тармоқларини мукамал таъмирлаш ва янги қуриш бўйича тасдиқланган Дастур параметрларига ва манзилли рўйхатларга заруратга кўра ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

8. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари – Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчи Ш.Рахимджанов зиммасига юклатилсин.

Toshkent shahar hokimi



ARTIKXODJAYEV J. A.

Toshkent shahar hokimining
2022 yil 25 fevraldagi
175-14-0-Q/22-son qaroriga
1-ilova

Тошкент вилоятидан Тошкент шаҳрига ўтказилган аҳоли пунктларининг 2022 — 2024 йилларда Ичимлик сув ва канализация тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш лойиҳаларининг Тошкент шаҳар манзилли рўйхати

Т/р	Амалга ошириладиган чора-тадбирлар	Ўлчов бирлиги	Қуввати	Лойиҳа қиймати* (млн сўм)	шу жумладан			Молиялаштириш манбаи
					2022 йил	2023 йил	2024 йил	
Жами		-	-	414 612	113 189	146 939	154 484	-
Бектемир тумани								
1.	«Йик Ота» МФЙга янги ичимлик сув тармоғини тортиш	км	12,0	6 817	1 398	1 607	3 811	Маҳаллий бюджет маблағлари
2.	«Гулбоғ» МФЙга янги ичимлик сув тармоғини тортиш	км	12,8	11 139	4 332	3 356	3 450	
3.	«Янги ҳаёт» МФЙга янги ичимлик сув тармоғини тортиш	км	9,0	6 340	2 263	1 466	2611	
4.	«Бектемир» МФЙга янги ичимлик сув тармоғини тортиш	км	8,6	9 557	6 239	1 089	2 229	
5.	«Намуна» МФЙга янги ичимлик сув тармоғини тортиш	км	18,3	12 001	1 659	4 104	6 238	
6.	«Нурафшон» МФЙга янги ичимлик сув тармоғини тортиш	км	21,1	13 891	3 335	3 025	7 530	
7.	«Навоий» МФЙга янги ичимлик сув тармоғини тортиш	км	6,1	3 395	437	862	2 096	

8.	«Гулбоғ» МФЙ ҳудудида 11 150 п.м. узунликдаги янги оқова сув тармоқлари қуриш	км	11,2	7 805	1 505	3 150	3 150	Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари
9.	«Нурафшон» МФЙ ҳудудида 10 750 п.м. узунликдаги янги оқова сув тармоқлари қуриш	км	10,8	7 525	2 508	2 508	2 509	
10.	«Намуна» МФЙ ҳудудида 3 923 п.м. узунликдаги янги оқова сув тармоқлари қуриш	км	3,9	2 746	-	-	2 746	
11.	«Янги ҳаёт» МФЙ ҳудудида 7 420 п.м. узунликдаги янги оқова сув тармоқлари қуриш	км	7,4	20 692	6 897	6 898	6 897	
12.	«Навоий» МФЙ ҳудудида 5 785 п.м. узунликдаги янги оқова сув тармоқлари қуриш	км	5,8	4 050	-	2 023	2 027	
13.	«Йик Ота» МФЙ ҳудудида 9 310 п.м. узунликдаги янги оқова сув тармоқлари қуриш	км	9,3	9 654	-	3 899	5 755	Республика бюджети маблағлари
14.	«Бектемир» МФЙ ҳудудида 16 400 п.м. узунликдаги янги оқова сув тармоқлари қуриш	км	16,4	15 740	-	6 990	8 750	
Жами		-	-	131 351	30 573	40 977	59 800	-
Мирзо Улуғбек тумани								

1.	«Геофизика» МФЙ «Хурдиёр» кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,3	180	-	180	-	Маҳаллий бюджет маблағлари
2.	«Геофизика» МФЙ «Хурмакон» кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,2	104	-	104	-	
3.	«Геофизика» МФЙ «Жаннатмакон» кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,4	191	-	191	-	
4.	«Геофизика» МФЙ «Геофизика» кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,4	204	-	204	-	
5.	«Геофизика» МФЙ «Туркистон» кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,3	98	-	-	98	
6.	«Геофизика» МФЙ «Бойтепа» кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,7	164	-	-	164	
7.	«Геофизика» МФЙ «Хислат» кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,2	28	-	-	28	
8.	«Алишеробод» МФЙ «Жўшқин» кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,2	112	112	-	-	
9.	«Алишеробод» МФЙ «Жасорат» кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,2	110	-	110	-	
10.	«Чингелди» МФЙ «Булокбоши» кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	1,3	458	-	222	236	
11.	«Чингелди» МФЙ «Бегзод» кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,4	196	-	196	-	

12.	«Чингелди» МФЙ «Чирчиқ янтоқ» кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	2,3	1 211	-	1 211	-	Маҳаллий бюджет маблағлари
13.	«Чингелди» МФЙ «Алишер Навоий» 5-тор кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,2	66	-	-	66	
14.	«Чингелди» МФЙ «Гулистон» кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,3	59	-	-	59	
15.	«Чингелди» МФЙ «Табаррук» кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,3	59	-	-	59	
16.	«Чингелди» МФЙ «Боғдорчилик узумчилик ширкати» бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	1,0	180	-	-	180	
17.	«Дўстлик» МФЙ «Янгиобод» кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	1,1	648	648	-	-	
18.	«Дўстлик» МФЙ «Янгиобод» 1-2-тор кўчалари бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,6	318	-	318	-	
19.	«Дўстлик» МФЙ «Янгиобод» 3-4-тор кўчалари бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,5	148	-	-	148	
20.	«Дўстлик» МФЙ «Чавандоз» кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,5	105	-	-	105	
21.	«Дўстлик» МФЙ «Миллий боғ» марказий кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,3	49	-	-	49	
22.	«Тараққиёт» МФЙ «Мирзо Бобур» 1-2-тор кўчалари бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,5	261	-	261	-	
23.	«Баркамол» МФЙ «Иқбол» кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,5	238	-	238	-	
24.	«Баркамол» МФЙ «Истиклол» кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,4	230	-	230	-	
25.	«Баркамол» МФЙ «Лолазор» кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,5	245	-	245	-	
26.	«Баркамол» МФЙ «Нурли замин» кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,3	162	-	162	-	

27.	«Баркамол» МФЙ «Навбаҳор» 1-2-3-берк кўчалари бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,9	483	-	483	-	Маҳаллий бюджет маблағлари
28.	«Баркамол» МФЙ «Нурли замин» тор кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,3	59	-	-	59	
29.	«Баркамол» МФЙ «Нурли замин» берк кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,4	68	-	-	68	
30.	«Боғишамол» МФЙ «Фаровон ҳаёт-1» кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,3	136	-	136	-	
31.	«Боғишамол» МФЙ «Фаровон ҳаёт» кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,3	86	-	-	86	
32.	«Ватанпарвар» МФЙ «57-Ҳарбий шаҳарчаси»га ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,7	380	224	157	-	
33.	«Амир Темур» МФЙ «Саодат» кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,7	400	400	-	-	
34.	«Амир Темур» МФЙ «Қурувчилар» кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,4	247	247	-	-	
35.	«Амир Темур» МФЙ «Озода» кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,3	177	-	177	-	
36.	«Амир Темур» МФЙ «Амир Темур» кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	1,1	574	-	574	-	
37.	«Амир Темур» МФЙ «Ватан» 2-тор кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,2	99	-	99	-	
38.	«Амир Темур» МФЙ «Ватан» 3-тор кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,2	84	-	84	-	
39.	«Амир Темур» МФЙ «Ватан» 6-тор кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,2	99	-	99	-	
40.	«Амир Темур» МФЙ «Бунёдкорлик» 4-тор кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,2	94	-	94	-	
41.	«Амир Темур» МФЙ «Моҳичеҳра» кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,3	86	-	-	86	

42.	«Амир Тему́р» МФЙ «Эрксевар» кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,4	101	-	-	101	Маҳаллий бюджет маблағлари
43.	«Амир Тему́р» МФЙ «Анҳор» кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	1,4	365	-	-	365	
44.	«Амир Тему́р» МФЙ «Амир Тему́р» 3-берк кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,4	101	-	-	101	
45.	«Амир Тему́р» МФЙ «Оқтерак» 4-берк кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,2	47	-	-	47	
46.	«Амир Тему́р» МФЙ «Шифокор» кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,1	26	-	-	26	
47.	«Амир Тему́р» МФЙ «Муҳандислар» кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,3	53	-	-	53	
48.	«Амир Тему́р» МФЙ «Табассум» кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,2	46	-	-	46	
49.	«Мевазор» МФЙ «Минг ўрик» кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	1,34	766	589	177	-	
50.	«Мевазор» МФЙ «Минг ўрик» 1-2-тор кўчалари бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,7	376	-	376	-	
51.	«Мевазор» МФЙ «Минг ўрик» 1-берк кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,2	125	-	125	-	
52.	«Гулбоғ» МФЙ «Заковат» кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	1,9	1 398	1 398	-	-	
53.	«Гулбоғ» МФЙ «Тараққиёт» кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,4	183	-	183	-	
54.	«Гулбоғ» МФЙ «Оқтерак» кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,5	170	-	78	92	
55.	«Гулбоғ» МФЙ «Покиза» кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,3	98	-	-	98	
56.	«Гулбоғ» МФЙ «Мустақиллик» кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,3	86	-	-	86	
57.	«Гулбоғ» МФЙ «Сарбон» кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,2	52	-	-	52	

58.	«Гулбоғ» МФЙ «Мурувват» 7-тор кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,2	63	-	-	63	Маҳаллий бюджет маблағлари
59.	«Гулбоғ» МФЙ «Мурувват» 6-тор кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,3	59	-	-	59	
60.	«Гулбоғ» МФЙ «Мурувват» 5-тор кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,3	59	-	-	59	
61.	«Гулбоғ» МФЙ «Арчазор» кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,2	51	-	-	51	
62.	«Гулбоғ» МФЙ «Оқтерак» 1-2-3-тор кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,3	77	-	-	77	
63.	«Гулбоғ» МФЙ «Мурувват» 1-2-3-4-тор кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,8	149	-	-	149	
64.	«Гулзор-1» МФЙ «Шаббода» Шаббода кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	1,2	707	707	-	-	
65.	«Гулзор-1» МФЙ «Шаббода» 2-тор кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,6	161	-	-	161	
66.	«Гулзор-1» МФЙ «Шаббода» 7-тор кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,1	9	-	-	9	
67.	«Пастки юз» МФЙ «Алмат Эрматов» кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	2,5	617	-	-	617	
68.	«Пастки юз» МФЙ «Бахт» кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,3	86	-	-	86	
69.	«Пастки юз» МФЙ «Марҳабо» берк кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,7	196	-	-	196	
70.	«Пастки юз» МФЙ «Гулноз» кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,3	70	-	-	70	
71.	«Пастки юз» МФЙ «Марҳабо» кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,3	68	-	-	68	
72.	«Пастки юз» МФЙ «Боғишамол» кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,5	126	-	-	126	
73.	«Пастки юз» МФЙ «Элпарвар» кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,2	49	-	-	49	

74.	«Пастки юз» МФЙ «Элпарвар» 2-тор кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини куриш	км	0,1	26	-	-	26	Маҳаллий бюджет маблағлари
75.	«Пастки юз» МФЙ «Алмат Эрматов» берк кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини куриш	км	0,3	77	-	-	77	
76.	«Пастки юз» МФЙ «Элпарвар» 1-тор кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини куриш	км	0,1	28	-	-	28	
77.	«Пастки юз» МФЙ «Меҳригиё» кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини куриш	км	0,1	28	-	-	28	
78.	«Гулзор-1» МФЙ ҳудудида 1 361 п.м. узунликдаги оқова сув тармоқларини жорий таъмирлаш	км	1,4	16	16	-	-	
79.	«Пастки юз» МФЙ ҳудудида 2 908 п.м. узунликдаги оқова сув тармоқларини жорий таъмирлаш	км	2,9	33	33	-	-	
80.	«Мевазор» МФЙ ҳудудида 3 622 п.м. узунликдаги оқова сув тармоқлари жорий таъмирлаш	км	3,6	42	42	-	-	
81.	«Гулбоғ» МФЙ ҳудудида 3 119 п.м. узунликдаги оқова сув тармоқларини жорий таъмирлаш	км	3,1	36	36	-	-	
82.	«Геофизика» МФЙ ҳудудида 5 629 п.м. узунликдаги оқова сув тармоқларини жорий таъмирлаш	км	5,6	65	65	-	-	
83.	«Алишеробод» МФЙ ҳудудида 4 182 п.м. узунликдаги оқова сув тармоқларини жорий таъмирлаш	км	4,2	48	48	-	-	Маҳаллий бюджет маблағлари
84.	«Баркамол» МФЙ ҳудудида 5 100 п.м. узунликдаги оқова сув тармоқларини жорий таъмирлаш	км	5,1	59	59	-	-	
85.	«Амир Темур» МФЙ ҳудудида 14 118 п.м. узунликдаги оқова сув тармоқларини жорий таъмирлаш	км	14,1	162	162	-	-	
86.	«Таракқиёт» МФЙ ҳудудида 1 223 п.м. узунликдаги оқова сув тармоқлари жорий таъмирлаш	км	1,2	14	14	-	-	
87.	«Ватанпарвар» МФЙ ҳудудида 631 п.м. узунликдаги оқова сув тармоқларини жорий таъмирлаш	км	0,6	7	7	-	-	
88.	«Боғишамол» МФЙ ҳудудида 4 290 п.м. узунликдаги оқова сув тармоқларини жорий таъмирлаш	км	4,3	49	49	-	-	

89.	«Амир Темур» МФЙ ҳудудида 670 п.м. узунликдаги янги оқова сув тармоқларини қуриш	км	0,7	469	-	469	-	Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари
90.	«Алишеробод» МФЙ ҳудудида 3 935 п.м. узунликдаги янги оқова сув тармоқларини қуриш	км	3,9	14 446	5 208	4 606	4 632	Республика бюджети маблағлари
91.	«Гулзор-1» МФЙ ҳудудида 1 808 п.м. узунликдаги янги оқова сув тармоқларини қуриш	км	1,8	5 411	-	5 411	-	Республика бюджети маблағлари
92.	«Пастки юз» МФЙ ҳудудида 800 п.м. узунликдаги янги оқова сув тармоқларини қуриш	км	0,8	560	-	560	-	
93.	«Мевазор» МФЙ ҳудудида 3 315 п.м. узунликдаги янги оқова сув тармоқлари қуриш	км	3,3	18 008	18 008	-	-	
94.	«Гулбоғ» МФЙ ҳудудида 3 481 п.м. узунликдаги янги оқова сув тармоқлари қуриш	км	3,5	14 407	7 315	7 092	-	
95.	«Геофизика» МФЙ ҳудудида 400 п.м. узунликдаги янги оқова сув тармоқлари қуриш	км	0,4	280	-	280	-	Республика бюджети маблағлари
96.	«Баркамол» МФЙ ҳудудида 2 800 п.м. узунликдаги янги оқова сув тармоқларини қуриш	км	2,8	3 135	-	-	3 135	
97.	«Чингелди» МФЙ ҳудудида 12 056 п.м. узунликдаги янги оқова сув тармоқларини қуриш	км	12,1	13 741	-	6 688	7 054	
98.	«Дўстлик» МФЙ ҳудудида 7 305 п.м. узунликдаги янги оқова сув тармоқларини қуриш	км	7,3	5 114	-	2 555	2 559	Республика бюджети маблағлари
Жами		-	-	91 697	35 387	34 374	21 937	-
Сергели тумани								

1.	«Жалойир» МФЙ «Бешкўприк» 1, 2, 3, 4, 5-тор кўчаларида ичимлик сув тармоғини қуриш	км	4,2	1 561	758	555	248	Маҳаллий бюджет маблағлари
2.	«Тараққиёт» МФЙ «Тараққиёт» ва «Тараққиёт» тор кўчаларига ичимлик сув тармоғини қуриш	км	5,4	1 750	856	691	202	
3.	«Хонобод» МФЙ «Хонобод» 1, 2-тор ва берк кўчалари бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	1,4	270	-	-	270	
4.	«Хонобод» МФЙ «1-Соҳил», «2-Соҳил» ва 1-берк кўчалари бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	3,2	1 670	-	1 670	-	
5.	«Хонобод» МФЙ «Хонобод» асосий кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	2,4	1 384	1 384	-	-	
6.	«Хонобод» МФЙ «Беруний» кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	1,2	881	881	-	-	
7.	«Қумарик» МФЙ «Замахшарий» 1-тор кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	1,4	265	-	-	265	
8.	«Қумарик» МФЙ «Замахшарий» 2-тор кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	1,5	432	-	432	-	
9.	«Қумарик» МФЙ «Замахшарий» кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	2,1	1 091	1 091	-	-	
10.	«Нурафшон» МФЙ «Нурафшон» ва «Нурафшон» тор кўчалари бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	7,8	3 159	1 476	985	698	
11.	«Қушбеги» МФЙ «Табаррук», «Соҳил», «Тавалло» ва «Порлоқ» кўчалари бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	3,9	2 013	1 266	467	279	

12.	«Қорасув» МФЙ «Дўстлик-2» 12-тор кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,4	118	-	-	118	Маҳаллий бюджет маблағлари
13.	«Қорасув» МФЙ «Дўстлик-2» 13-тор кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,4	118	-	-	118	
14.	«Қорасув» МФЙ «Дўстлик-2» 14-тор кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,4	118	-	-	118	
15.	«Қорасув» МФЙ «Дўстлик-2» 15-тор кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,4	118	-	-	118	
16.	«Қорасув» МФЙ «Дўстлик-2» 16-тор кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,4	118	-	-	118	
17.	«Қорасув» МФЙ «Дўстлик-2» 17-тор кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,4	118	-	-	118	
18.	«Истиклол» МФЙ «Истиклол» 5 ва 6-тор кўчалари бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	4,9	2 370	1 130	971	269	
19.	«Файзли» МФЙ «Файз», «Янги ҳаёт», «Тотувли» ва «Обод» 1-тор кўчалари бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	4,7	2 163	895	945	323	
20.	«Файзли» МФЙ «Илғор», «Изза» ва «Файзли» кўчаларидаги ичимлик сув тармоғини капитал таъмирлаш	км	2,2	806	444	248	115	
21.	«Жалойир» МФЙ «М. Раҳимова 1, 2, 3», «Х. Жўраева» ва «Х. Олимжон» кўчаларидаги ичимлик сув тармоғини капитал таъмирлаш	км	2,9	1 087	647	256	184	
22.	«Беларик» МФЙ «Моҳичеҳра», «Беларик», «А. Мавлиёний» ва «Ёшлик» кўчаларидаги ичимлик сув тармоғини капитал таъмирлаш	км	5,1	1 824	471	459	894	
23.	«Номданақ» МФЙ «Зиёкор» ва «Файзли» кўчаларидаги ичимлик сув тармоғини капитал таъмирлаш	км	2,4	1 163	707	339	117	

24.	«Хонобод» МФЙ «Беруний», «Соҳил» ва «Кичик Хонобод» кўчаларидаги ичимлик сув тармоғини капитал таъмирлаш	км	3,2	1 471	530	731	211	Маҳаллий бюджет маблағлари
25.	«Кумарик» МФЙ «Охунбобоева», «Замахшарий», «Нодира», «Навоий» ва «А. Қаҳҳор» кўчаларидаги ичимлик сув тармоғини капитал таъмирлаш	км	7,7	2 884	824	1 602	458	
26.	«Нурафшон» МФЙ «Ахунбабаев» ва «Кичик сой» кўчаларидаги ичимлик сув тармоғини капитал таъмирлаш	км	2,7	1 020	626	202	192	
27.	«Хонободтепа» МФЙ «Хонободтепа» ва «И. Якубова» 1, 2, 3-тор кўчаларидаги ичимлик сув тармоғини капитал таъмирлаш	км	2,0	649	251	202	197	
28.	«Соҳибқирон» МФЙ «Хонобод», «Эшонбулоқ» ва «Барака» кўчаларидаги ичимлик сув тармоғини капитал таъмирлаш	км	1.4	437	157	187	94	
29.	«Истиқлол» МФЙ «Иттифоқ», «Буюк авлод» ва «Миришкор» кўчаларидаги ичимлик сув тармоғини капитал таъмирлаш	км	3,5	1 198	626	242	330	
30.	«Янги Турмуш» МФЙ «Асосий», «Янги Турмуш» ва «Дўстлик» кўчаларидаги ичимлик сув тармоғини капитал таъмирлаш	км	2,8	969	438	346	185	
31.	«Қушбеги» МФЙ «З. Зокирова», «Мустақиллик» ва «Саримсоқова» кўчаларидаги ичимлик сув тармоғини капитал таъмирлаш	км	5,7	2 278	542	1 034	703	
32.	«Беларик» МФЙ ҳудудида 5 429 п.м. узунликдаги оқова сув тармоқларини жорий таъмирлаш	км.	5,4	62	62	-	-	
33.	«Кумарик» МФЙ ҳудудида 1 200 п.м. узунликдаги оқова сув тармоқларини жорий таъмирлаш	км.	1,2	14	14	-	-	

34.	«Беларик» МФЙ ҳудудида 4 802 п.м. узунликдаги янги оқова сув тармоқларини қуриш	км.	4,8	3 361	-	1 681	1 681	Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари
35.	«Файзли» МФЙ ҳудудида 1 736 п.м. узунликдаги янги оқова сув тармоқларини қуриш	км.	1,7	1 215	-	-	1 215	
36.	«Хонободтепа» МФЙ ҳудудида 3 822 п.м. узунликдаги янги оқова сув тармоқларини қуриш	км.	3,8	5 857	1 414	2 111	2 333	
37.	«Тараққиёт» МФЙ ҳудудида 9 250 п.м. узунликдаги янги оқова сув тармоқларини қуриш	км.	9,3	6 475	-	3 238	3 238	
38.	«Қорасув» МФЙ ҳудудида 8 445 п.м. узунликдаги янги оқова сув тармоқларини қуриш	км.	8,4	5 912	1 971	1 971	1 971	
39.	«Қушбеги» МФЙ ҳудудида 10 700 п.м. узунликдаги янги оқова сув тармоқларини қуриш	км.	10,7	7 490	2 496	2 497	2 497	
40.	«Соҳибкор» МФЙ ҳудудида 5 112 п.м. узунликдаги янги оқова сув тармоқларини қуриш	км.	5,1	11 072	3 331	3 843	3 898	
41.	«Истиқлол» МФЙ ҳудудида 6 331 п.м. узунликдаги янги оқова сув тармоқларини қуриш	км.	6,3	13 304	4 032	4 564	4 708	Республика бюджети маблағлари
42.	«Жалойир» МФЙ ҳудудида 17 513 п.м. узунликдаги янги оқова сув тармоқларини қуриш	км.	17,5	14 751		6 282	8 469	
43.	«Номданак» МФЙ ҳудудида 10 140 п.м. узунликдаги янги оқова сув тармоқларини қуриш	км.	10,1	12 957	2 604	4 900	5 453	
44.	«Қумарик» МФЙ ҳудудида 12 762 п.м. узунликдаги янги оқова сув тармоқларини қуриш	км.	12,8	8 933	2 978	2 978	2 978	
45.	«Хонобод» МФЙ ҳудудида 12 918 п.м. узунликдаги янги оқова сув тармоқларини қуриш	км.	12,9	12 118	-	5 623	6 495	Республика бюджети маблағлари
46.	«Нурафшон» МФЙ ҳудудида 17 231 п.м. узунликдаги янги оқова сув тармоқларини қуриш	км.	17,2	12 062	-	6 021	6 041	
	Жами	-	-	151 087	34 903	58 270	57 915	-
Яшнобод тумани								

1.	«Жарбоши» МФЙ «Чўлпон» 2-тор кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,4	82	-	-	82	Маҳаллий бюджет маблағлари
2.	«Жарбоши» МФЙ «Дўстлик» тор кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,2	47	-	-	47	
3.	«Ташишти» МФЙ «Ўқитувчи» тор кўчалари бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	3,2	1 290	-	835	455	
4.	«Ташишти» МФЙ «Янги Иқбол» кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	1,2	600	600	-	-	
5.	«Ибрат» МФЙ «Ифтихор» 1, 2, 3, 4, 5, 6-берк кўчалари бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,9	208	-	-	208	
6.	«Ибрат» МФЙ «Фидокор» кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,2	47	-	-	47	
7.	«Ибрат» МФЙ «Соҳил» 1, 2, 3-тор кўчалари бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,4	94	-	-	94	
8.	«Ибрат» МФЙ «Ифтихор» 7-берк кўчалари бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,4	121	-	121	-	
9.	«Ибрат» МФЙ «Заковат» ва «Донишманд» кўчалари бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,7	210	-	210	-	
10.	«Ибрат» МФЙ «Соҳил» кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	1,3	684	684	-	-	
11.	«Ибрат» МФЙ «Мураббийлар» кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	2,5	1 821	1 821	-	-	
12.	«Арғин» МФЙ «Абадият» 2, 3, 5, 6, 7-тор ва 8-берк кўчалари бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	1,2	288	-	-	288	

13.	«Арғин» МФЙ «Абадият» берк кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,4	82	-	-	82	Маҳаллий бюджет маблағлари
14.	«Арғин» МФЙ «Абадият» 4 ва 8-тор кўчалари бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,4	115	-	115	-	
15.	«Арғин» МФЙ «Ифтихор» ва Абадият тор кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	1,6	812	-	812	-	
16.	«Арғин» МФЙ «Абадият» кўчасидан дала катта сув тармоғига ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,8	1 207	1 207	-	-	
17.	«Баҳор» МФЙ «Янги ҳаёт» 2-берк кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,4	209	-	209	-	
18.	«Баҳор» МФЙ «Янги ҳаёт» кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,9	1 358	-	-	1 358	
19.	«Чинор» МФЙ «Чинор» Чинор тор кўчалари бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	5 600,0	1 310	-	-	1 310	
20.	«Чинор» МФЙ «Чинор» 3-тор кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	500,0	144	-	-	144	
21.	«Чинор» МФЙ «Ўқитувчилар» кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	1 900,0	992	-	992	-	
22.	«Чинор» МФЙ янги қурилган кўча бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	1 200,0	707	707	-	-	
23.	«Товкентепа» МФЙ «Шохтепа» тор кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	1,9	547	-	-	547	
24.	«Товкентепа» МФЙ «Мураббийлар» кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	1,0	522	-	522	-	
25.	«Товкентепа» МФЙ «Янги ҳаёт» кўчаси бўйлаб ичимлик сув тармоғини қуриш	км	0,6	905	905	-	-	
26.	«Чинор» МФЙ ҳудудида 4 044 п.м. узунликдаги оқова сув тармоқларини жорий таъмирлаш	км	4,0	47	47	-	-	
27.	«Товкентепа» МФЙ ҳудудида 3 170 п.м. узунликдаги янги оқова сув тармоқларини қуриш	км	3,2	2 219	1 190	490	539	

28.	«Жарбоши» МФЙ ҳудудида 2 310 п.м. узунликдаги янги оқова сув тармоқларини қуриш	км	2,3	1 617	546	536	536	Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари
29.	«Ибрат» МФЙ ҳудудида 4 862 п.м. узунликдаги янги оқова сув тармоқларини қуриш	км	4,9	3 403	1 890	700	813	
30.	«Аргин» МФЙ ҳудудида 4 625 п.м. узунликдаги янги оқова сув тармоқларини қуриш	км	4,6	3 238	1 540	840	858	
31.	«Чинор» МФЙ ҳудудида 1 701 п.м. узунликдаги янги оқова сув тармоқларини қуриш	км	1,7	1 191	1 191	-	-	
32.	«Ташишти» МФЙ ҳудудида 6 200 п.м. узунликдаги янги оқова сув тармоқларини қуриш	км	6,2	4 340	-	2 200	2 140	Республика бюджети маблағлари
33.	«Миришкор» МФЙ ҳудудида 7 088 п.м. узунликдаги янги оқова сув тармоқларини қуриш	км	8,4	5 872	-	2 987	2 885	
34.	«Баҳор» МФЙ ҳудудида 5 929 п.м. узунликдаги янги оқова сув тармоқларини қуриш	км	5,9	4 150	-	1 750	2 400	
Жами		-	-	40 476	12 326	13 318	14 832	-
Умумий		-	-	414 612	113 189	146 939	154 484	-



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT SHAHAR HOKIMINING Q A R O R I

2022 йил «19» май

518-14-0-Q/22

Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2022 йил 22 апрелдаги VI-61-99-14-0-K/22-сонли қарори ижроси тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг "2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджет тўғрида"ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-73-сонли, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 ноябрдаги "Тошкент вилоятидан Тошкент шаҳрига ўтказилган аҳоли пунктларини 2021-2024 йилларда комплекс ривожлантириш ҳамда коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 702-сонли ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2022 йил 22 апрелдаги "Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2022 йилдаги қўшимча манбаларини харажатларга йўналтириш ҳақида"ги VI-61-99-14-0-K/21-сонли ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2022 йил 25 февралдаги "Тошкент вилоятидан Тошкент шаҳрига ўтказилган аҳоли пунктларида 2022-2024 йилларда ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 175-14-0-Q/22-сонли қарорлари ижросини таъминлаш, Молия вазирлигининг 2022 йил 21 январдаги 03/43-03-34/135-сонли ва 31 январдаги 03/43-03-34/201-сонли кўрсатма хатлари ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш масалалари бўйича мажмуасининг 2022 йил 5 майдаги 04-190-сонли мурожаатларини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2022 йил 22 апрелдаги “Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2022 йил давомида шаклланган қўшимча манбаларини харажатларга йўналтириш ҳақида”ги VI-61-99-14-0-K/22-сонли қарорига мувофиқ, Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2022 йил давомида шаклланган қўшимча манбалари ҳисобидан Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 ноябрдаги “Тошкент вилоятидан Тошкент шаҳрига ўтказилган аҳоли пунктларини 2021-2024 йилларда комплекс ривожлантириш ҳамда коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 702-сонли қарорига асосан Тошкент вилоятининг Зангиота, Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ ва Қибрай туманларидан Тошкент шаҳрининг Сергели, Бектемир, Мирзо Улуғбек ва Яшнобод туманларига ўтказилган аҳоли пунктларида муҳандислик-коммуникация тизимларини ўтказиш мақсадида 3 351,8 (уч миллиард уч юз эллик бир миллион саккиз юз минг) сўм маблағлар ажратилиши белгиланганлиги инобатга олинсин.

2. Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2022 йил биринчи чорак даромадлар режасини орттириб бажарилган қисми ҳисобидан Тошкент шаҳар Молия бош бошқармаси ҳузуридаги “Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш” ҳудудий жамғармаси ҳисоб рақамига йўналтирилсин ҳамда ушбу ажратилган маблағлар ҳудудий жамғарма орқали “Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини куриш бўйича инжиниринг компанияси” давлат унитар корхонаси Тошкент шаҳар ҳудудий филиалига Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 ноябрдаги 702-сонли қарорига асосан Тошкент вилоятининг Зангиота, Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ ва Қибрай туманларидан Тошкент шаҳрининг Сергели, Бектемир, Мирзо Улуғбек ва Яшнобод туманларига ўтказилган аҳоли пунктларида муҳандислик-коммуникация тизимларини ўтказиш (ичимлик суви ва канализация тармоқларини куриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш) харажатлари билан боғлиқ харажатлар учун 3,0 млрд. (уч миллиард) сўм миқдорида маблағ тақсимлансин.

3. Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2022 йил биринчи чорак даромадлар режасини орттириб бажарилган қисми ҳисобидан 3,0 млрд. (уч миллиард) сўм маблағлар Тошкент шаҳар Молия бош бошқармаси ҳузуридаги “Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш” ҳудудий жамғармасига ўтказиш учун ажратилсин.

4. Тошкент шаҳар Молия бош бошқармаси (Л.Исматуллаев):

Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2022 йил биринчи чорак даромадлар режасини орттириб бажарилган қисми ҳисобидан 3,0 млрд. (уч миллиард) сўм ажратилган маблағларни Тошкент шаҳар Молия бош бошқармаси ҳузуридаги “Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш” ҳудудий жамғармаси орқали “Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” давлат унитар корхонаси Тошкент шаҳар ҳудудий филиалига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 ноябрдаги 702-сонли қарорига асосан Тошкент вилоятининг Зангиота, Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ ва Қибрай туманларидан Тошкент шаҳрининг Сергели, Бектемир, Мирзо Улуғбек ва Яшнобод туманларига ўтказилган аҳоли пунктларида муҳандислик-коммуникация тизимларини ўтказиш (ичимлик сув ва канализация тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш) харажатлари билан боғлиқ харажатлар учун молиялаштирилиши таъминлансин;

2022 йил Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетига тегишли ўзгартиришлар киритилсин.

5. Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари (Х.Шакиров):

ажратилган маблағлар ижроси бўйича халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига ҳисобот киритилсин.

6. “Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” давлат унитар корхонаси Тошкент шаҳар ҳудудий филиали (У.Уктамов):

ажратилган маблағларни ўрнатилган тартибда ва мақсадли сарфланиши таъминлансин.

7. Тошкент шаҳар бўйича Ғазначилик бошқармаси (М.Зарипов):

ажратилган маблағларни ўрнатилган тартибда молиялаштириш чоралари кўрилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Тошкент шаҳар Давлат молиявий назорати бошқармаси (Ш.Яриев):

ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан назорат ўрнатилсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Х.Шакиров зиммасига юклатилсин.

Toshkent shahar hokimi



ARTIKXODJAYEV J. A.

“ТАСДИҚЛАЙМАН”



Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари,
Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош
бошқармаси бошлигининг в.в.б,
танлов комиссияси раиси

Ш. Рахимджанов

2022 йил

**Тошкент шаҳар Бектемир тумани “Намуна” маҳалласи ҳудудида ичимлик суви тармоғини
қуриш объекти бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишга доир
(лот № 94454) танлов комиссияси йиғилиши**

94454/2-сон муҳокама БАЁНИ

Тошкент ш.

14 июн 2022 йил

“Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар ҳокимлиги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси”нинг 2022 йил 22 февралдаги В-13-сонли буйруғи билан тасдиқланган танлов комиссияси таркиби қуйидагича:

- Комиссия раиси:** Ш.Рахимджанов, “Тошкент шаҳар ҳокимлиги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси” бошлиғи в.в.б.;
- Комиссия аъзолари:** У.Уктамов, “Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Тошкент шаҳар ҳудудий филиали директори;
К.Алимов, “Тошкент Шаҳар Сув таъминоти” МЧЖ бош муҳандиси;
А.Исломхўжаев, “Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Тошкент шаҳар ҳудудий филиали бош муҳандиси;
У.Ташпулатов, “Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Тошкент шаҳар ҳудудий филиали бош мутахасиси;
- Комиссия котиби:** М.Мухамадалиев, “Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Тошкент шаҳар ҳудудий филиали бўлим бошлиғи;

КУН ТАРТИБИ:

“Тошкент шаҳар Бектемир тумани “Намуна” маҳалласи ҳудудида ичимлик суви тармоғини қуриш объекти бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш” объекти бўйича 94454-сонли лот натижалари бўйича муҳокама натижаларини кўриб чиқиш ёлиб ташкилотни белгилаш.

Филиал директори У.Уктамов йиғилишни олиб борди ва очик деб эълон қилди.

Комиссия аъзолари сони сарҳисоб қилинди ва қворум 100% га таъминланганлиги маълум бўлди.

Комиссия аъзоси У.Уктамов 94454-сон лот баёнини ўқиб эшиттирди. (94454-сон баён илова қилинади).

Муҳокама мобайнида биринчи навбатда ишларнинг сифатли бажарилиши учун лойиҳачининг техник салоҳиятини эътиборга олиш ва иккинчи навбатда унинг молиявий томони эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек харид комиссияси аъзоларида мазкур лот(лар) иштирокчилари билан аффилиланганлик хусусиятига эга алокадорлар мавжуд эмасли ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг (ЎРҚ-684-сон, 22.04.2021й.)

23-моддасига кўра, иштирокчи ва унинг аффилиланган шахси электрон дўкон, аукцион, энг яхши таклифларни танлаш ва тендер бўйича айна битта лотда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмаслиги белгиланган бўлиб мазкур лот(лар)да иштирок этмаяпти.

Маълумотлар stat.uz саҳифаси орқали текширилди.

Ушбу 94454-сонли лот бўйича тасдиқланган танлаш баённомаси юзасидан 2 кун мобайнида ҳеч қандай эътироз ёки норозиликлар юзага келмади.

Якуний натижаларга кўра қуйдагилар маълум бўлди

Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан 180 860 000 сўм, ишларни бажариш муддати 15 кун.

Танлаш комиссиясининг 14.06.2022 йилдаги 94454-сонли лот бўйича “Тошкент шаҳар Бектемир тумани “Намуна” маҳалласи ҳудудида ичимлик суви тармоғини қуриш объекти бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш” объекти бўйича талабгор “HOUSE GRAND” МЧЖ, ҚҚС билан 172 000 000 сўм ишларни бажариш муддати 15 кун билан танлаш ғолиби ва захира ғолиби “MIRZACHOL AGRO QURILISH LOYIHA” МЧЖ этиб белгиланди

Комиссия аъзоси У.Уктамов комиссия аъзолари муҳокамасидан сўнг, бюджет маблағларининг самарали фойдаланишни инобатга олиб, талабгор “HOUSE GRAND” МЧЖ ташкилотини ғолиб деб белгилаш бўйича таклифни овозга қўйди, таклиф бир овоздан мақбулланди.


ҚАРОР ҚИЛАДИ

1. “Тошкент шаҳар Бектемир тумани “Намуна” маҳалласи ҳудудида ичимлик суви тармоғини қуриш объекти бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш” савдоларида ишни бажариш қиймати 172 000 000 сўм ҚҚС билан, ишни бажариш муддати 15 кунлик тижорат таклифи билан “HOUSE GRAND” МЧЖ ғолиби деб “MIRZACHOL AGRO QURILISH LOYIHA” МЧЖ ташкилоти захира ғолиби деб топилсин.


2. Талабгор “HOUSE GRAND” МЧЖнинг 2022 йил 14 июндаги 06/1-сонли мурожаат хатига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг, 2022 йил 07 июндаги 16-06/6551-сонли буйруғига асосан “HOUSE GRAND” МЧЖнинг лицензияси бекор қилиниши муносабати билан лойиҳалаш ишларини амалга ошириш имкони йўқлигини маълум қилган. Шу муносабат билан, “MIRZACHOL AGRO QURILISH LOYIHA” МЧЖ ташкилоти лойиҳалаш ишларини ҚҚС билан 172 000 000 сўм ва лойиҳалаш муддати 15 кунда бажариш шарти билан танлов савдоси ғолиби деб эълон қилинсин.

3. Талабгор “MIRZACHOL AGRO QURILISH LOYIHA” МЧЖ ташкилоти билан ўрнатилган тартибда шартнома расмийлаштирилсин ва ишни бажариш бўйича керакли ҳужжатлар тақдим этилсин.

У.Уктамов



К.Алимов




А.Исломхўжаев



У.Ташпулатов



М.Мухамадалиев



ЛОЙИҲА-СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ТЎҒРИСИДАГИ 47-сонли ШАРТНОМА

“ 17 ” “ 06 ” 2022 йил

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги “Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Тошкент шаҳар ҳудудий филиали (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан Низом асосида иш юритувчи бошлик У.Уктамов бир томондан ва (<https://etender.uzex.uz> махсус порталининг 2022 йил 14 июндаги № 94454/2 баённомасига асосан “MIRZACHO'L AGRO QURILISH LOYIHA” МЧЖ (кейинги ўринларда “Бош лойиҳачи” деб юритилади) номидан Низом (Устав) асосида иш юритувчи жамият директори Д.Файзуллаев иккинчи томондан, “Тошкент шаҳар Бектемир тумани “Намуна” маҳаллалари ҳудудида ичимлик суви тармоқларини қуриш” объекти бўйича (Лот рақами 94454) лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва Давлат экспертиза органларида лойиҳа-смета ҳужжатларини ҳимоя қилиш, қурилишнинг бутун даври мобайнида муаллифлик назоратини амалга ошириш ишларини бажаришга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

1. Шартнома предмети.

1. Бажарувчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ “Тошкент шаҳар Бектемир тумани “Намуна” маҳаллалари ҳудудида ичимлик суви тармоқларини қуриш” объектига лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва Давлат экспертиза органларида лойиҳа-смета ҳужжатларини ҳимоя қилиш, қурилишнинг бутун даври мобайнида муаллифлик назоратини амалга ошириш ишларини бажариш мажбуриятини олади, “Буюртмачи” эса “Бажарувчи” га ишларини бажариш учун зарур нуқсон далолатномасини тақдим этади, ишларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

2.1. Мазкур шартнома бўйича “Бажарувчи” томонидан бажарилган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 15 % Қўшилган қиймат солиғи билан 172 000 000 (бир юз йитмиш икки миллион) шу жумладан ҚҚС қиймати 22 434 782 (йигирма икки миллион тўрт юз ўттиз тўрт минг йитти юз саксон икки) сўмни ташкил этади..

2.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқирилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

Иш ҳажми қиймати ва кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

2.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Бажарувчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

3. Бажарувчи ва Буюртмачининг мажбуриятлари.

3.1. Агар ишнинг бажарилиши давомида салбий натижага эришилиши аниқланган тақдирда барча ишларни тўхтатиб, ҳолат тўғрисида уч кунлик муддат ичида “Буюртмачи”ни хабардор қилиш;

3.2. “Буюртмачи”дан махфий маълумотлар олган тақдирда “Бажарувчи” томонидан ушбу маълумотларни маълум қилмаслик ва “Буюртмачи”нинг руҳсатсиз учинчи шахсларга бермаслик;

3.3. **“Буюртмачи”** ишлар бажарилиши устидан доимий назорат ва мазкур шартномада кайд этилган **“Бажарувчи”** томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, **“Бажарувчи”**дан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

3.4. **“Бажарувчи”** лойиҳа-смета ҳужжатларини, **“Буюртмачи”** томонидан тақдим этилган бирламчи ҳужжатлар доирасида ишлаб чиқиши ва смета ҳужжатларидаги иш турларининг иш ҳажмлари, лойиҳа ҳужжатларидаги иш турларига мос келишига қатъий риоя қилиши ва қурилишнинг бирор бир босқичида **“Бажарувчи”**нинг хатолиги сабабли лойиҳа-смета ҳужжатларида хато ва камчиликлар аниқланган тақдирда **“Бажарувчи”**нинг ўз маблағлари ҳисобидан бартараф этиш мажбуриятини олади.

3.5. **“Бажарувчи”** ишни сифатли бажариши, ҳужжатларни барча илмий техникавий ва иқтисодий талабларга ва меъёрларга, Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган барча қонунларга риоя этилган ҳолда бажаришга;

3.6. **“Бажарувчи”** томонидан **“Буюртмачи”**нинг барча кўрсатмаларини бажариш ва бажарилаётган ишлар тўғрисида талаб қилинган вақтда ахборот бериб туриш;

3.5. **“Бажарувчи”** томонидан лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертиза органларида химоя қилада ва **“Буюртмачи”**га якуний ижобий экспертиза ҳулосасини тақдим этади.

3.6. Шартнома талабларига кўра аванс (бўнак пули) бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш.

4. Ишларни бажариш муддати.

4.1. **“Бажарувчи”** мазкур шартномага мувофиқ биринчи аванс (бўнак пули) тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

4.2. Танлов натижаси бўйича аниқланган ишнинг давом этиш вақти, бўнак (аванс) маблағлари тўлаб берилган кундан эътиборан **15 кун** ташкил этади

Шартноманинг амал қилиш муддати 31 декабр 2022 йил.

5. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

5.1. **“Буюртмачи”** **“Бажарувчи”**га шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30 % миқдориди, аванс ўтказди;

5.2. Бажарилган ишлар учун шартномавий жорий қийматнинг қолган қисми **“Буюртмачи”** ва **“Бажарувчи”** ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб ишлар тугаллангандан кейин ва ишлар белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин тўлиқ ҳажмда амалга оширилади;

5.3. **“Буюртмачи”** мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, **“Бажарувчи”** бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда **“Буюртмачи”**ни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир.

6. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари.

6.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

6.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтда чўзилса, у ҳолда **“Бажарувчи”** ва **“Буюртмачи”** ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қилади.

6.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

7. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги.

7.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

7.2. Молиялаштиришнинг кечикиши “Маҳаллий бюджет ҳамда вазирлик жамғармаси”нинг айби билан содир этилса, молиялаштириш бўйича **“Буюртмачи”** **“Бажарувчи”**нинг олдида жавобгар бўлмайди.

7.3. **“Бажарувчи”** объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун **“Буюртмачи”**га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 % фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 % фоизидан ошмаслиги лозим.

“Буюртмачи” томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун **“Бажарувчи”** буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,4 % фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 % фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш **“Бажарувчи”**ни ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди.

7.4. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

7.5. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

8. Низоларни ҳал этиш тартиби

8. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

9. Алоҳида шартлар

9.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

9.2. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

9.3. **“Буюртмачи”** билан **“Бажарувчи”** ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни

томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

9.4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

9.5. Шартномага қуйидагилар илова қилинади:

1-илова - Шартнома баҳосининг келишуви баённомаси;

2-илова – Календар иш жадвали

3-илова - Лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета ҳисоби.

9.6. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилади.

10. Коррупцияга қарши шартлар

10.1. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қуйидагиларни кафолатлайди:

- қонунга ҳилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини;

- шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини;

- моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз олинмаганлигини.

10.2. Тарафлар улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

10.3. Тарафлар бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш, тазйик ўтказиш ёки таҳдид қилиш содир этилишига йўл қўймайди. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

11. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари

Буюртмачи:

“Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Тошкент шаҳар ҳудудий филиали

Тошкент ш., Шевченко кўчаси, 26 уй
ш/х.р.: 301121860262737063201110006

Ўз.Рес.Молия Вазирлиги Ғазначилиги

Х/Р: 2340 2000 3001 0000 1010

МБ ХККМ Тошкент ш бош бошқармаси

СТИР (ИНН): 201 122 919 МФО: 00014

ОКЭД: 41202 СТИР 307 930 998

Бошлик

У.Уктамов

Юрисконсулт

Т.Тўхтасинов

Бажарувчи:

“MIRZACHO'L AGRO QURILISH
LOYIHA” МЧЖ

Манзил: Сирдарё вилояти, Гулистон ш., Намуна маҳалласи, Бирлашган кўчаси, 90-уй

Х/Р: 2020 8000 9002 1295 7001

Банк номи: ОАТБ «Кишлоқ Қурилиш Банк»

Гулистон ш. булими

МФО: 00370

ИНН: 302 582 802

ОКЭД: 71120

КОД НДС: 308 120 166 433

Тел: (91)-621-41-39
(97)-325-32-42

Директор

Д. Файзуллаев

Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун шартнома нархи бўйича келишув

БАЁННОМАСИ

Биз, куйида имзо қўювчилар, “Буюртмачи” томонидан “Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини куриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Тошкент шаҳар ҳудудий филиали номидан Низом асосида иш юритувчи бошлиқ У.Уктамов ва “Бош лойиҳачи” томонидан “MIRZACHO'L AGRO QURILISH LOYIHA” МЧЖ номидан Низом асосида иш юритувчи директор Д. Файзуллаев, шартномада лойиҳалаш объекти “Тошкент шаҳар Бектемир тумани “Намуна” маҳаллалари ҳудудида ичимлик суви тармоқларини куриш”, 2022 йил “ 14 ” “ 06 ” 47-сонли шартнома баҳоси 15% ҚҚС билан 172 000 000 (бир юз йитмиш икки миллион) сўмни ташкил қилади.

Ушбу баённома Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасида узаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

Бажарувчи

“MIRZACHO'L AGRO QURILISH
LOYIHA” МЧЖ



Директор Д. Файзуллаев

Буюртмачи

“Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини куриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Тошкент шаҳар ҳудудий филиали



Бошлиқ У.Уктамов

“ 17 ” “ 06 ” 2022 йилдаги
47-сонли шартномага 2-сонли илова

Объектни номланиши “Тошкент шаҳар Бектемир тумани “Намуна” маҳаллалари
худудида ичимлик суви тармоқларини қуриш” Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб
чиқиш учун

КАЛЕНДАР ИШ ЖАДВАЛИ

№ т/р	Ишнинг номланиши	Ишнинг муддати (бошланиши ва яқулланиши)	Ишнинг нарх қиймати сўм
1.	2	3	4
1.	Тошкент шаҳар Бектемир тумани “Намуна” маҳаллалари худудида ичимлик суви тармоқларини қуриш	Бошланиши : Буюртмачи томонидан бошланғич тўлов ва дастлабки маълумотлар тақдим этилгандан сўнг. Яқулланиши: 15 кун	172 000 000 (бир юз йитмиш икки миллион)

Жами: 15% ҚҚС билан 172 000 000 (бир юз йитмиш икки миллион) сўм.

Бажарувчи

“MIRZACHO'L AGRO QURILISH
LOYIHA” MCHJ ” MCHJ

Директор  Д. Файзуллаев



Буюртмачи

“Кўп хонадонли уйларни мукамал ва
жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик
таъминоти объектларини қуриш
бўйича инжиниринг компанияси” ДУК
Тошкент шаҳар ҳудудий филиали

Бошлик  У. Уктамов



“ 17 ” “ 06 ” 2022 йилдаги
47-сонли шартномага 3-сонли илова

Объектни номланиши “Тошкент шаҳар Бектемир тумани “Намуна” маҳаллалари
худудида ичимлик суви тармоқларини қуриш” объекти
Лойиҳа тадқиқот ишлари учун
СМЕТА ҲИСОБИ

Бино номи, тузилиши ёки иш турлари	Қўлланиладиган ставкани асослаш ва стандарт бўйича харажатларни ҳисоблаш	Ушбу битим бўйича харажатларни ҳисоблаш минг сўмда
“Тошкент шаҳар Бектемир тумани “Намуна” маҳаллалари худудида ичимлик суви тармоқларини қуриш” объектини жорий нархлар бўйича тахминий нарх ҚҚС сиз: 5 025 713 000 сўм	Ўзбекистон Республикаси Қурилиш Вазирлигининг 09.09.2019 йилдаги № 3180 сонли “Лойиҳалаш ва қидирув ишларининг нархини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида” буйруғи. 3 илова 3 ва 4 банди. Объектнинг мураккаблиги тоифаси II.	Ушбу лойиҳа учун биз қабул қиламиз:
Лойиҳа-смета ишларининг қиймати	Илова. №3 3.4 банди K= 4%	5 025 713,000 x 0,04= = 201 028,52
Жами	Нархнинг якуний коэффициенти K≈ 0,744	149 565,218
ҚҚС	15%	22 434,782
Жами ҚҚС билан		172 000,000

Жами: 15% ҚҚС билан 172 000 000 (бир юз битмиш икки миллион) сўм.

Директор

Лойиҳанинг бош муҳандиси



Д. Файзуллаев

А. Сафаров